
ВИЛОЯТ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИГА ЯНГИ БОШЛИҚ ТАЙИНЛАНДИ

Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Фарғона вилоят филиали директори сифатида фаолият кўрсатиб келган Примқулов Бобур Қахрамонович Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи этиб тайинланди.

Бугун вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда Бобур Примқулов вилоят жамоатчилигига таништирилди.

2022 йил июнь ойидан бери вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаб келган Тўхтақулов Абдуқаям Юлдашевич ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-03-14 09:40:06